



1917 йил 27 февралда Петроградда бўлган демократик инкилоб Туркистон ўлкасига ҳамўз таъсирини ўтказди. Туркистонда янги жамият куртакларини шакллантириш учун ҳаракат бошланиб кетди. Туркистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўлка мухторияти масаласи асосий масала бўлиб қолди. Туркистонга мухторият макомини бериш гоёси нафакат демократик зиёлилар орасида, ҳатто оддий одамлар ўртасида ҳаманча оммалашган эди.

1917 йилнинг март-апрел ойлари ўлканинг сиёсий уйғонишида бурилиш даври бўлди. Туркистон жаҳидлари, миллий зиёлилари ва ислом уламоларининг етакчилари бўлган Махмудхўжа Бехбудий (1875-1919), Мунаввар Кори (1878-1931), Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев (Убайдулла Хўжаев; 1882-1938), Фитрат (1886-1938), Файзулла Хўжаев (1896-1938), Садриддин Айний (1878-1954), Мустафо Чўкай (1886-1941), Мухаммаджон Тинишбоев (1879-1939), Шерали Лапин (1868-1919), Ахмад Закий Валидий (1890-1970), Обиджон Махмудов (1858-1936) Ўлкада янги ташкил қилинган «Шўрои Исломия» (1917 йил март), «Шўрои Уламо» (1917 йил июн), «Турон» Жамиятлари ва «Турк одами Марказияти (федералистлар) фиркаси» (1917 йил июл), «Иттифоқи муслимин» (1917 йил сентябр) сиёсий партияларининг тўзилишида муҳим роль ўйнадилар. 1917 йил 7 апрелда Петрограддаги Муваккат ҳукумат қарори билан кадет Н.Н.Шчепкин раислигида Муваккат ҳукуматнинг Туркистон Комитети ташкил қилинди. Комитет таркибига 9 киши қирган бўлиб, уларнинг тўрттаси Алихон Букейхонов (1868-1937), М. Тинишбоев, Садри Максудов, А. Давлетшинлар туркий халқлар вакиллари эди. Кейинчалик Туркистон

Комитетининг таркиби ўзгартирилди.

Жадидчилик 1917 йилда маърифатчилик ҳаракатидан сиёсий ҳаракат даражасига аллақачон кўтарилган эди. Ўша 1917 йилнинг ўзида тўрт марта Бутунтуркистон мусулмонлари курултойи ўтказилди. 1917 йил 16-23 апрелда Тошкентда бўлган I курултойда демократик Россия таркибида Туркистон Мухториятини ташкил этиш гоёси олға сурилди. Бу гоё Туркистон халқларининг ўз миллий давлатчилигини тиклаш йўлидаги дастлабки қадами эди.

Бутунтуркистон мусулмонлари I курултойининг охири мажлисида Марказий раҳбар орган — Туркистон ўлка мусулмонлари Кенгаши (Краймуссовет) ташкил этилиши ҳақида қарор қабул қилинди. Уни тузишдан асосий мақсад миллий озодлик ҳаракатига ташкилий ва марказлаштирилган хусусият касб этиш учун бир-бири билан тарқок алоқада бўлган жамият, кўмита ва иттифокларни бирлаштириш эди. Туркистон мусулмонлари Маркази Кенгашига Мустафо Чўкай раис, Валидий бош қотиб, Мунаввар Кори, Бехбудий, У. Хўжаев, О. Махмудов, Тошпулатбек Норбутабеков, Ислон Шоаҳмедов ва бошқалар аъзо қилиб сайланди. Мунаввар Кори ва Садриддинхон Шарифхўжа бошчилигида Тошкент кўмитаси тузилди. Шунингдек, Бехбудий раҳбарлигида Самарқанд ва Носирхон Тўра етакчилигида Фарғона бўлими ҳам ташкил топди. Марказий шуронинг органи сифатида «Нажот» (муҳаррири - Мунаввар кори), кейинчалик «Кенгаш» (муҳаррири — Валидий) газеталари чиқа бошлади. Шунингдек, 1917 йилда нашр қилинган «Улуг Туркистон», «Турон» газеталарида мухториятчилик гоёси билан сугорилган мақолалар чоп қилинди. Шундай қилиб, 1917 йил баҳорида Туркистоннинг бирлиги ва яхлитлиги томон муҳим қадам ташланди. Тарихда илк марта Бутунтуркистон микёсида мусулмонлар курултойи чақирилиб, унда туб халқларнинг мухторият томон қатъий интилиши, ўз анъаналари, урф-одатлари ва турмуш тарзини изчил туриб ҳимоя қилиши айtilди. Бу манфаатларнинг ифодачиси бўлган Миллий марказ — Туркистон мусулмонлари Марказий Кенгаши ташкил этилди.

Афсуски, бирлашиш жараёнлари ҳар доим ҳам бир текис ривожланмади. Аср бошидан буён давом этаётган «жадид-қадим» низолари демократик ҳаракат сафларида парчаланиш юз беришига олиб келди. Маълумки, 1917 йил 14 мартда Тошкентда «Шўрои Исломия» ташкил топган эди. Аксарияти жадидлардан иборат бу ташкилот аъзолари Туркистон мустиқлиги учун кураш олиб бордилар. 1917 йил июн ойида Мунаввар кори бошчилигидаги «Шўрои Исломия» ташкилотидан «Шўрои Уламо» ажралиб чиқди. Шерали Лапин унинг Тошкент шўбасига асос солди. Орадан кўп вақт ўтмай, Кўкон шаҳрида ҳам «Шўрои Уламо» жамияти тузилди. Лекин икки жамият ўртасида гоёвий ихтилофлар мавжуд бўлиб, улар бир-бири билан қелиша олмасдилар. Чунки «Шўрои Уламо» жамияти дастурида ислон динининг анъанавий асослари бўйича иш қўришини маълум қилса-да, аслида Лапин бошчилигидаги Тошкент уламочилари аввал рус монархияси, сўнгра большевизм гоёлари билан ўз ҳаракатларини мувофиқлаштиришга беҳуда уриндилар. «Шўрои Уламо» жамияти ўз мақсадлари тарғиботи учун «Ал-Изох» журналини чиқара бошлади (муҳаррири - Абдумалик хожи Набиев) ҳар икки жамият ўртасида гоёвий кураш, хусусан, матбуот саҳифаларида авж олиб кетди. 1917 йил 10 сентябрда Тошкентда Бутунтуркистон мусулмонларининг II курултойи очилди. «Шўрои Исломия» ташаббуси билан чақирилган ушбу курултой ҳокимиятни ишчи, солдат ва дехкон депутатлари советларига беришга қарши чиқди. Ушбу курултойда қабул қилинган резолюцияларда миллий демократия ўзи тутадиган йўлнинг муҳим асосларини биринчи марта қатъий қилиб айтди: ҳукумат демократик сиёсат юргизадиган бўлса, ана шундагина

мусулмонлар бу ҳукуматда иштирок этадилар. Иккинчи курултойда факат Миллий марказ - Туркистон мусулмонлари Марказий Кенгаши минтақадаги туб ерли аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиши мумкин деган фикр катъий қилиб қўйилди. 1917 йил 20 сентябрда Тошкентда бўлиб ўтган Туркистон ва Козогистон мусулмонларининг қўрултойи «уламочилар» билан «Шўрои исломчилар» ўртасидаги узок бахсларга қарамай, ниҳоят, қелишиш ва муроса йўлини топди. Курултойда «Шўрои Исломия», «Шўрои Уламо», «Турон» ва бошқа сиёсий ташкилотларни бирлаштириш йўли билан бутун Туркистон минтақаси учун умумий бўлган «Иттифоқи муслимин» деган сиёсий партия тузишга қарор қилинди.

Курултой ишидаги асосий масала Туркистон ўлкасининг бўлажак сиёсий тузумини белгилаш эди. Ўша пайтда Тошкентда нашр қилинган «Улуг Туркистон» газетасида ёзилишича, «Курултой Мулла Мухаммадхўжа эшон ва Мулла Сиддикхўжа эшонларнинг бошқарув шакли ҳақидаги нутқларини тинглаб, дуо-ю ижобат ила Туркистон Мухториятини тайин этишга қарар қилди». Курултой мухториятга «Туркистон Федератив Республикаси» деган номни қўйиб, парламент республикаси асосида тузилажак бўлгуси давлат тузумининг бош тамойил ва меъёрларини белгилаб берди.

Шу тарзда Туркистонда мухторият ҳукумати юзага келмасдан анча олдин жамиятнинг кенг қатламлари вакиллари, илгор зиёлилар бу ҳаракатда фаол қатнашиб, унинг пойдеворини яратишга замин ҳозирладилар.

1917 йил 25 октябрда (янги сана билан 7 ноябрда) қурул қучига таянган В.И. Ленин бошчилигидаги большевиклар (коммунистлар) Петроградда Муваққат ҳукуматни ағдариб ташлаб, ҳокимиятни зўравонлик йўли билан эгаллашди. Россиянинг марказида юз берган воқеаларнинг акс-садоси орадан қўп ўтмай Туркистонга ҳам етиб келди. 28 октябрда Тошкентнинг янги шаҳарида европалар ишчилар ва солдатлар большевикларнинг қутқуси билан қурул қучи тўқнашувларни бошлаб юборилди. Улар генерал Коровиченко қисмларидан устун келдилар. 1 ноябрда Коровиченко ва Муваққат ҳукуматнинг Туркистон Комитети қамолга олинди. Тошкентда зўравонлик йўли билан совет режими ўрнатилди.

Ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, 1917 йилнинг қузига қелиб, ўлка шаҳарлари, вилоятлари ва уездларида аҳолининг ҳокимиятни советларга ўтишини талаб қилувчи фаол қишлоқлари қўзғатилмаган. Аксинча, қишлоқлардан қелиб турган хабарлар ва телеграммаларда Муваққат ҳукуматни қўллаб-қувватлаш ҳақида гапирилди экан, большевиклар ва бошқа экстремистларнинг ҳокимиятни советларга бериш ҳақидаги талаблари фаш этилар, мамлакат тақдирини қиладиган Таъсис Мажлисини қишлоқчи маъқуллашди. Демак, 1917 йил ноябр ойининг бошида большевиклар факатгина қурул қучига таянган ҳолда Тошкент шаҳрида ҳокимиятни қўлга қиритишди. Бу ҳолни архивларда сақлаб қолган ўша даврга оид қўллаб-қувватлаш расмий ҳужжатлар ҳам исботлайди. Туркистон республикаси раҳбарларидан бири кейинчалик қўлидаги фикрни эътироф этишга мажбур бўлган эди: Туркистон бир неча ўн йиллар мобайнида қишлоқчи маъқуллаш бўлиб келди ва бу қишлоқчи маъқуллаш қишлоқчи ва муносабатларда ўзининг ўқмас қишлоқчи қолдириди. Самодержавие томонидан олиб қўрилган маъқуллаш қишлоқчи ва қишлоқчи амалдорлар ва қишлоқчи унсурлардан қишлоқчи қишлоқчи рус темирйўлчиларига ҳам ўз таъсирини ўтказган эди. Шунинг учун қишлоқчи қишлоқчи бошидаёқ, совет ҳокимиятини бу ерда факат рус қишлоқчи амалга ошириди. Туб аҳолидан эса маъқуллаш қишлоқчи маъқуллаш қишлоқчи алоқадор қишлоқчи унда қишлоқчи мумкин бўлиб, туб аҳолининг қишлоқчи қишлоқчи учун бу қишлоқчи бегона ва қишлоқчи эди».

1917 йил 15-22 ноябрда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган ўлка ишчи, солдат ва дехкон депутатлари Советларининг III съездида 15 кишидан иборат ҳукумат—Туркистон ўлкаси Халк Комиссарлари Совети тузилди, унда 8 ўрин сул эсерларга, 7 ўрин большевиклар билан максималистларга берилди. Бирок ҳукумат факат европаликлардан иборат бўлди. Туркистон ХКС раиси лавозимини касби чизмачи бўлган большевик Ф. Колесов эгаллади, ҳарбий комиссар килиб извошчи Перфильев, бошка комиссарлик лавозимларига ҳам шунга ўхшаганлар тайинландилар. Ҳукумат таркибига туб аҳоли вакилларидан битта ҳам вакил киритилмади. Бу тасодифий ҳол эмас эди. Туркистонда сўл инкилобий сиёсий гуруҳлар, уларнинг намоёндаларидан тузилган ҳукумат, биринчи галда большевиклар мохиятан чоризм мустамлакачилик сиёсатига амал қилдилар. Шу билан бирга октябр тунтаришидан кейин Россияда бўлгани сингари, Туркистонда ҳам инкилобий ақидаларга, энг аввало синфийлик тамойилларига амал қилинди. Асосий инкилобий куч — пролетариат ва камбағал дехконлар, аҳолининг бошка катламлари эса реакцион ва эксплуататор гуруҳлар деб эълон қилинди. Мулкдорлар — эксплуататорлар, эзувчилар; миллий зиёлилар, ўқимишли, обрў-эътиборли халк вакиллари — миллий буржуазия қорчалонлари ва малайлари; ислом дини раҳнаомлари — реакцион катлам деб, уларга қарши аёвсиз қураш бошлаб юборилди. Туркистон ўлкасидаги дастлабки совет ҳукуматининг зиддиятли таркиби минтақада европалик аҳоли ҳукмронлигини мустаҳкамлашга қаратилган эди. «Туркистондаги мустамлакачилик ҳатто совет ҳокимияти тараккиётининг бутун бир йўналишини белгилаб берди», деб кейинчалик тан олган эди Г. Сафаров.

Маҳаллий миллатларнинг сиёсий жараёнга аралаштирилмаганлиги ўлка халқларининг совет ҳокимиятига бўлган ишончсизлигини янада кучайтирди. Ҳатто Туркистондаги европалик аҳолининг демократик катламлари ҳам большевиклар ва сул эсерларнинг бундай маккорона сиёсатига қарши чиқдилар. Ҳукумат тузишда улуг давлатчилик шовинизми ақидаларига амал қилинганлиги янги ҳокимиятнинг сиёсий фаолиятини олдиндан белгилаб берди.

Ҳокимият большевиклар кўлига ўтиши билан ўлкада Муваққат ҳукуматнинг барча бўғинлари тугатилиб, ўрнига аввало жазо органлари ва совет бошқарув тизими ўрнатилди. Бу тасодифий ҳол бўлмасдан, большевиклар ҳукмронлиги нафакат ағдарилган синфлар, балки большевиклар билан қелишмайдиган маҳаллий аҳолининг катта қисми устидан зўравонлик ўрнатилгандагина сакланиб қолиши мумкин эди. Туркистон ХКС 1917 йил 28 ноябрда ўлкада қизил гвардия бўлинмалари тузиш ҳақида қарор қабул қилди. Бу бўлинмалар совет режими ва большевикларга қарши қўтарилган дастлабки стихияли чиқишларни бостиришда фаол иштирок қилди. Шу вақтнинг ўзида Бутунроссия Фавкулудда комиссия (чека) органлари ва инкилобий трибуналлар ташкил этилди. Пролетариат диктатурасининг бу жазо органлари озодлик ва демократияни бўғишда, ўзгача фикрлайдиган кишиларни йўқ қилишда муҳим қурол бўлди ва Ватанимизнинг янги тарихида ўзининг машъум асоратларини қолдирди. Туркистон ХКС 1917 йил охирида ўз қарори билан «Шурои Исломия» ва бошка маҳаллий демократик ташкилотларни тарқатиб юборди. Бу ташкилотларнинг раҳбарлари кейинчалик Туркистон Мухторияти ҳукуматида қўшилдилар, айримлари истиклолчилик ҳаракатига гоявий раҳнамолик қилдилар. Шуниси характерлики, «Шўрои Уламо» ташкилотининг Тошкент шўъбаси факат 1918 йил 13 майда ёпиб қўйилди. Шундай қилиб, даставвал Россия марказида қарор топган совет режими Туркистон ўлкасида ҳам ўрнатилди. Зўравонлик ва халқларни эзишга қаратилган совет режими ўзининг илк

кунларидан бошлаб Туркистондаги туб халкларга нисбатан мустамлакачилик сиёсатини юритди. Чор Россиясининг мустамлакачилик тизими совет Россияси даврида янада такомиллаштирилди. Туркистон Мухторияти ҳукумати ва унинг фаолияти сиёсий партиялар тузилиши, улар томонидан дастурий ҳужжатлар қабул қилиниши Туркистонда миллий ҳаракатнинг кенг қулоқ ёйганидан далолат беради. Бироқ юқарида кўрсатиб ўтилганидек, Петрограддаги октябр тўнтариши оқибатида 1917 йил октябр-ноябр ойларида Туркистон ўлкасида, хусусан, Тошкент ва Қўқонда юз берган воқеалар миллий озодлик ҳаракатини бутунлай бошқа йўналишдан кетишга мажбур қилди.

1917 йил 26-28 ноябрда Қўқон шаҳрида Туркистон ўлкамусулмонларининг фавқулодда IV қурултойи бўлиб ўтди. Қурултой ишининг бутун тафсилотлари ўша давр газеталарига тарих учун муҳраб қўйилган.

Мустафо Чўқай қурултойни очар экан, Россия ва Туркистоннинг сиёсий ва иқтисодий аҳоли хусусида маълумот беради. Унинг айтишича, Марказда юз бераётган воқеалар, чекка ўлкаларни ва шу билан бирга Буюк миллий инқилобни қутқарув йўлларини мустақил муҳофаза этувини тақозо қилар. Октябр ҳунрезлигини бошдан кечирган Россия ва Туркистон ўз тақдирлари ҳақида мулоҳаза юритмоқлари лозим.

Маълумки, мусулмонларнинг ушбу нуфузли қурултойи ва унда қабул қилинган қарорлар узок йиллар давомида миллатчилар гуруҳининг йигинидан эълон қилинган буржуа мухторияти деб нотўғри талқин қилиб келинди. Ҳужжатлар эса ушбу ҳолнинг бутунлай акси бўлганлигини исботлайди. Масалан, Туркистон жаҳидларининг отаси саналган Бехбудий ўз маърузасида қурултойнинг Туркистон халқлари тарихида улкан ижобий, тарихий ҳодиса ва бурилиш даври эканлигини таъкидлаб, «Қурултойимиз қабул қилаётган қарорлар шунинг учун ҳам аҳамиятлики, унда Туркистон аҳолисининг европалик вакиллари ҳам иштирок этмоқдалар», дейди. Бехбудий ва Обиджон Маҳмудов қурултой хайъатида мусулмонлар билан бир қаторда бошқа миллий гуруҳларнинг ҳам вакиллари бўлишини ёқлаб чиқди.

Туркистонни бошқариш шакли уч кун давом этган қурултойнинг диққат марказида турди. Бу масала муҳофазасида сўзга чиқганларнинг кўпчилиги Туркистоннинг мухтор республика деб эълон қилиниши ўлка аҳолисининг ижтимоий мақсадларидан қелиб чиққан ва унга мос тушишини уқтирди. Мухторият ва мустақиллик эълон қилиш фикрини ҳамма қўллаб-қувватлади. Қурултойда 1917 йил 27 ноябр (янги ҳисоб билан 10 декабр) куни кечқурун қабул қилинган қарорда шундай дейилади: «Туркистонда яшаб турган турли миллатга мансуб аҳоли Россия инқилоби даъват этган халқларнинг ўз ҳуқуқларини ўзлари белгилаш хусусидаги иродасини намоён этиб, Туркистонни Федератив Россия Республикаси таркибида ҳудудий жихатдан мухтор деб эълон қилади, шу билан бирга мухториятнинг қарор топиш шакллари Таъсис Мажлисига ҳавола этади». Қурултой Туркистонда яшаб турган миллий озчилик ҳуқуқларининг муттасил ҳимоя қилинишини тантанали равишда эълон қилди.

28 ноябр (янги ҳисоб билан 11 декабр) да таркиб топаётган мазкур давлатнинг номи аниқланиб, Туркистон Мухторияти, деб аталадиган бўлди. Қурултой ўша куни йиғилишда Бутунроссия Таъсис Мажлиси чақирилгунга қадар ҳокимият Туркистон Муваққат Кенгаши ва Туркистон Халқ (Миллат) Мажлиси қўлида бўлиши керак, деб қарор қабул қилди. Қурултойда Туркистон Муваққат Кенгаши аъзоларидан 8 кишидан иборат таркибда Туркистон Мухторияти ҳукумати тузилди. Ҳукуматнинг Бош вазири ҳамда ички ишлар вазири этиб Муҳаммаджон Тинишбоев сайланди. Ислом Султон ўғли Шоаҳмедов — Бош вазир ўринбосари, Мустафо Чўқай — ташки ишлар вазири, Убайдулла Хўжаев -

харбий вазир, Хидоятбек Юргули Агаев — ер ва сув бойликлари вазири, Обиджон Махмудов — озик-овкат вазири, Абдурахмон Ўрозаев — ички ишлар вазирининг ўринбосари, Соломон Абрамович Герцфельд — молия вазири лавозимларини эгаллади. Ҳукумат таркибида кейинчалик айрим ўзгаришлар юз берди. Мустафо Чўкай Бош вазир лавозимини бажаришга киришди. Вазирлардан уч киши олий маълумотли ҳуқуқшунос, икки киши Ўртача малакали ҳуқуқшунос эканлиги мухторият ҳукумати аъзолари билим даражасининг нақадар юқори эканидан далолат беради.

Курултойда 28 ноябр куни Туркистон Миллат Мажлиси очилиши тўғрисидаги қарор ҳам тасдиқланди. Миллат Мажлиси 54 нафар аъзодан иборат бўлиб, курултой қарорига биноан «36 нафар мусулмонлар ва 18 нафар гайри мусулмонлардан сайланадур. 36 мусулмон вакиллари Туркистоннинг 5 вилоятидан бўлиб: Фарғона — 10 нафар, Самарканд — 5 нафар, Сирдарё — 9 нафар, Ёттисув — 6 нафар, Закаспий - 2 нафар; 4 нафар эса бутун Туркистон шаҳар думалари тарафидан тайин бўлурлар». 18 нафар ўрин эса ўлканинг европалик ташкилот ва фуқароларига, жумладан, темирўлчилар иттифоқи, ишчи ва солдат депутатлари совети, социал-демократлар, дашноқцутюн, ерлик жухудлар, яҳудийлар, эсерлар, украинлар, поляклар вакиллари ва бошқаларга берилиши кўзда тутилган эди. Демак, ташкил этилаётган ҳукумат таркибига турли сиёсий ва миллий гуруҳ вакилларининг катнашуви кўзда тутилди. Демократик руҳдаги миллий зиёлилар кўрултойда қабул қилинган дастурий ҳужжатларга ўзига хослиги билан ажралиб турадиган халқчил ва демократик гояларни киритишди.

Курултой жараёнида Туркистон Миллат Мажлиси 32 кишидан иборат қилиб сайланди. «Шўрои Уламо»нинг раҳбари Шерали Лапин Миллат Мажлиси таркибига унинг раиси сифатида киритилган бўлса ҳам, аммо унинг ўзи бу тақлифни рад этди.

Курултой тугагач, 1 декабрда Туркистон Мухториятининг Муваққат ҳукумати аъзолари (барча 8 киши) имзолаган махсус Мурожаатнома эълон қилинди. Ушбу Мурожаатномада Туркистондаги барча аҳоли, ирки, миллати, дини, жинси, ёши ва сиёсий эътиқодларидан қатъий назар, яқдиллик ва ҳамжихатликка даъват этилган эди.

Орадан кўп ўтмай Миллат Мажлиси томонидан тасдиқланган қонунлар эълон қилинди, шунингдек, янги ҳукумат мамлакат Конституциясини тайёрлаш учун таникли ҳуқуқшуносларни жалб қилди. «Эл байроғи», «Бирлик туги», «Свободний Туркестан», «Известия Временного Правительства Автономного Туркестана» каби ҳукумат газеталари ўзбек, қозоқ ва рус тилларида нашр қилина бошланди. Аввал чиқаётган «Улуг Туркистон» газетаси ҳам ўз саҳифаларида мухторият ҳукумати фаолиятига алоҳида ўрин бера бошлади. Нашр ишларини яхшилаш учун О. Махмудовнинг босмаҳонаси ҳукумат ихтиёрига ўтди. Мухторият ҳукумати миллий кўшинни ташкил қилишга киришди. 1918 йил бошида бу кўшин сафларида бир мингдан ортиқ аскар бўлган. Харбий вазир Убайдулла Хўжаев иштирокида ўтказилган кўрик-парад вақтида аскарлар сони 2000 кишига етган. Бундан ташқари Қўконда тахминан шунча миршаблар бор эди. Ҳукумат иқтисодий соҳада 30 миллион сўм миқдорида ички заём чиқаришни йўлга қўйди. Чунки газеталарни нашр қилиш, мухторият кўшинларининг таъминоти ва ҳукуматнинг ички харажатлари учун маблағ зарур эди. Шунингдек, ҳукумат аъзолари очлик қанғалида қолган Туркистон аҳолисига Оренбург орқали галла қелтириш муаммосини ҳал қилиш учун ҳам амалий қадамлар ташлади. Туркистон Мухторияти ҳукумати қисқа муддат ичида халқ ўртасида қатта эътибор қозонди. Янги ҳукумат фаолияти қарат Қўконда ёхуд Фарғона водийсида эмас, балки бутун Туркистон минтақасида яшаётган туб ерли халқлар томонидан қизгин қўллаб-қувватланди. Фитрат,

Чўлпон, Хамза мухторият ҳукуматини алкаб, шеърлар битишди. Фитрат мухторият эълон қилинган 27 ноябр туниги «Миллий Лайлатул кадримиз» деб атади. Аллома Фитратнинг бу сўзларида олам-олам маъно мужассамлашган.

Туркистон халқининг мухторият учун олиб борган курашида 1917 йил 13 декабрда бўлиб ўтган фожияли воқеалар муҳим ўрин тугади. Ўша куни Тошкентда эски шаҳар аҳолиси «Мухтор Туркистон учун!» шиори остида тинч байрам намойишини ўтказди. Аммо Тошкент Советидаги большевиклар шаҳарда қуролли қуч билан тартиб ўрнатишга буйруқ берадилар. Оқибатда тинч намойиш катнашчилари пулемётдан ўққа тутилди, эски шаҳарлик 16 киши ана шу тўқнашув қурбони бўлди.

Мухтор ҳукуматнинг халқ ўртасидаги обрў-эътибори ва нуфузи большевикларни ташвишга солиб қўйди. 1918 йил 19-26 январ (янги ҳисоб билан 1-8 феврал) да Тошкентда бўлган Туркистон ўлкаси ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Советларининг фавқулодда IV съездида мухторият масаласи асосий ўринда турди. Съезд Туркистон Мухторияти ҳукумати ва унинг аъзоларини қонундан ташқари ҳалатда деб, ҳукумат аъзоларини қамокка олиш тўғрисида қарор чиқарди. Большевиклар ўзларининг бу қабиҳ ва мудҳиш «хукми»ни амалга оширишга зудлик билан киришдилар.

30 январ (янги ҳисоб билан 12 феврал) да Туркистон ХКС мухторият ҳукуматини тугатиш учун ҳарбий ҳаракатларни бошлади. Туркистон большевиклари бунинг учун қизил аскарлардан ташқари арманларнинг «Дашноқцутюн» партияси аъзоларидан тузилган қуролли тўдалардан ҳам қенг фойдаланди. Уларга қарши дастлабки жангда мухториятнинг миллий қўшинидан ташқари қўқонлик тинч аҳоли вакиллари ҳам катнашди. Асосан болта, чўкич, таёқ қўтарган халойикнинг сони 10000 кишига етди. Шунга қарамай, қуролсиз бу кишилар қизил аскарларнинг Қўқон шаҳрига ҳужумини уч қун давомида қардондор қайтардилар. Шаҳар устига уч қун давомида тўқлардан ёндирувчи снарядлар отилди. Мухторият қўшинининг тирик қолган қисми Қичик Эргаш қўрбоши бошчилигида шаҳардан қичиб кетди. Туркистон Мухторияти ҳукумати қизил аскарлар ва дашноқларнинг қонли ҳужумлари оқибатида ағдариб ташланди. Аммо Қўқон ва унинг атрофидаги тинч аҳолини талаш, ўлдириш авжига қикди. Фақат Қўқоннинг ўзида уч қун давомида 10000 киши ўлдирилди. Шаҳар буткул вайронага айлантилди. Ҳукумат бошлиғи Мустафо Чўқай шаҳарни тарқ этиб, яширинишга мажбур бўлди. Вазирларнинг айримлари ҳалок бўлди. Баъзиларини большевиклар қўлга олишди. «Улуғ Туркистон» газетаси қуқур қайғу билан ҳабар берганидек, «20 (эски ҳисоб билан 7) феврал Хўқанд (Қўқон) тарихининг энг даҳшатли қуни эди. Арманилар айрича фаолият қўрсатганлар...». Газетадаги ушбу мақола «Қўқон ҳозир ўликлар шаҳри», деган даҳшатли ибора билан тугайди.

Нихоят, 1918 йил 22 (эски ҳисоб билан 9) февралда Қўқон шаҳридаги Рус-Осиё банки қиносида большевиклар қомонидан тайёрланган «тинчлик Шартнома» имзоланди. Туркистон Мухторияти ҳукумати атиги 72 қун умр қўрган бўлса ҳам, у эрксевар халқимизни миллий муқтақиллик ва истиклол учун қурашга даъват этди. 1918 йилнинг эрта баҳорида аввал Фаргона водийсида, сўнгра бутун Туркистонда истиклолчилик ҳаракати бошланди. Аммо бу даврга қелиб Туркистон Мухториятини тор-мор этиб, ўлкада яққа ҳуқмрон бўлган, қурол ва зўравонликка таёнган большевиклар минтақада советча андозадаги автономия (мухторият) ни ташқил этишга қиришган эдилар. 1918 йил январ ойидаёқ большевиклар Туркистон Мухториятига қарши Туркистон автономиясини тузиш масаласини қўтаришган эди. Бу муаммо фақат Туркистон Советларининг V съездида (1918 йил 20 апрел - 1 май) ҳал қилинди. Съезд Россия

Совет Социалистик Федерацияси таркибида Туркистон республикаси тузиш тўғрисида қарор қабул қилди. Туркистон республикасининг Марказий Ижроия Комитети (МИК) ва ХКС сайланди. Улар таркибига илк марта тўб миллатларнинг вакиллари киритилди. Шунингдек, съездда саноат корхоналарини национализация қилиш ва бошқа айрим масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди. Шундай қилиб, совет Россияси таркибида Туркистон автоном республикаси ташкил қилинди.

Профессор Р.Т.Шамсутдинов